

## ТАШРИФ САМАРАЛИ КЕЧМОҚДА



Аввал хабар берилганидек, **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Германия Федератив Республикасига бошланган расмий ташрифи жуда самарали кечмоқда.** Давлатимиз раҳбари ГФР федерал ички ишлар вазири Отто Шили билан учрашди. Учрашувда мамлакатларимиз ички ишлар вазириликлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида сўз борди. Жумладан, уюшган жиноятчилик, наркотикларнинг ноқонуний савдоси, экстремизм ва халқаро террорчиликка қарши курашда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокара чоғида икки давлат ички ишлар вазириликлари тизимидаги ўқув юртлиги ўртасидаги ҳамкорлик, хусусан, семинарлар, амалий машғулотлар ташкил этиш тўғрисида ҳам келишиб олинди.

Президент Ислам Каримовнинг ГФР вице-канцлери, ташқи ишлар вазири Йозеф Фишер билан учрашувда долзарб халқаро муаммолар, икки томонлама алоқалар, минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди. Томонлар ташқи сиёсат борасида бир-бирини қўллаб-қувватлашга келишиб олди.

«Бельвю» саройида давлатимиз раҳбари ГФР Федерал Президенти Йоханнес Рау билан музокара ўтказди. Президентлар мулоқотида икки давлат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро савдо-сотиқ ҳажмини ошириш борасида фикр алмашилди.

Умуман, ташрифининг бугунги кунги турли учрашув ва тадбирларга жуда

бой бўлди. Ислам Каримов «Даймлер-Крайслер» компаниясининг бош қароргоҳида ГФРнинг етакчи ишбилармон ва молиявий доиралари вакиллари билан учрашди. Президентимиз Германия бизнеси вакилларига мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шароит тўғрисида гапириб берди.

— Биз мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш борасида улкан ислохотларни амалга оширмоқдамиз, — деди, жумладан, давлатимиз раҳбари. — Бу саъй-ҳаракатлар натижасида сизнинг иқтисодиётимизга сармоя кириштирингиз. Ўзбекистонда иш юритишингиз янада осонлашди, фаолиятингиз ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватланади.

Ислам Каримовнинг ГФР федерал иқтисодиёт ва технология вазири Вернер Мюллер билан ўтказган учрашувда ҳам иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш музокараларнинг бош мавзуси бўлди. Хусусан, мамлакатимизга Германиянинг юқори технологияларини олиб кириш масаласи муҳокама қилинди.

Шу кунги Берлинда Ўзбекистон элчихонасининг очилиш маросими бўлди. Маълумки, ГФРдаги элчихонамиз илгари Боннда жойлашган эди. Германиянинг пойтахти Берлинга кўчгач, элчихонамиз ҳам шу ерга жойлаштирилди. Элчихонанинг очилиш маросимида Германия раҳбарияти вакиллари, нуфузли немис сиёсат ва давлат арбоблари иштирок этди. Шу муносабат билан бу ерда ош дамланди. Юртимиздан маросимга таклиф этилган санъаткорлар миллий кўшиқ ва рақслар ижро этди.

Президентимизнинг Германияга ташрифи давом этмоқда. (ЎЗА).

### ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

## Илғор технология асосида

Бугунги кунда республикамизда Германия билан ҳамкорликда тузилган 132 та турли корхоналар самарали фаолият юритиб келмоқда. Шулардан «Тезинтом» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси ўз фаолиятини такомиллаштириш йўлида изланишлар олиб бораётган корхоналардан бири ҳисобланади.

Ушбу қўшма корхонада ўрта Осиё ва Қозғистонда биринчи бўлиб металл черепичалари ҳамда томга ёпадиган бошқа хил металллар ишлаб чиқарила бошланди. Бу маҳсулотлар қор-ёғмига чидамлилиги, ишончилиги, кўркам ва пишиқлиги билан оддий томага ёпиладиган бошқа материаллардан ажралаб туради. Утган йили корхонада яна янги

нинг вазифасига қараб қалин ёки юпқа қилиб суртилиши мумкин.

Мақсуд қўшма корхонада ўтган йили 65 минг квадрат метрдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган эди. Бугунга келиб корхонада ҳар кун 2000 квадрат метрдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда.

Корхонада шу йилнинг охирида яна бир цех ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Бу цехда юқори бадий савиядаги турли кўринишга эга бўлган металл панжаралари ишлаб чиқарила бошланади. Бугунги кунда цехни ишга тушириш учун барча чоралар қўрилмоқда. «Тезинтом» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси илғор технологияларни жорий қилишда давом эттаверади. **Очил ҲАЗРАТОВ**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСКА

□ **ЁШ** олимлар томонидан ташкил этилган пойтахтимиздаги Файласуфлар жамиятида «Миллий урф-одатлар ва уларнинг жамиятимизда тугган ўрни» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

□ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** олий ўқув юртлиги талабалари иштирокида истиқлолнинг 10 йиллигига бағишланган «Озод ва обод Ватан истиқболлари» мавзусида танлов ўтказилди. Ушбу танлов катнашчилари бўлиш талабалар устозлари даврасида ўзларининг Ватан ва унинг тарихи ҳақидаги, миллий кадриятлар, аъёнлар борасидаги билимларини намойиш қилишди.

□ **БЕКТЕМИР** туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан маориф соҳаси ходимлари иштирокида ўтказилган анжуманда оналар ва болалар йили тўғрисидаги қўллаб-қувватлаш бўлими қабул қилинган шу номдаги Давлат дастури, «Таълим

тўғрисида»-ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги муҳим режалар келишиб олинди.

□ **ОНАЛАР** ва болалар йили муносабати билан Акмал Икромов туманида туман ҳокимлиги, Қизил ярим ой жамияти ҳамкорлигида боғчалардаги кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда ногиронлар учун хайрия тadbирлари бўлиб ўтди.

□ **ШАҲРИМИЗДАГИ** 1-автотранспорт корхонасида 150 га яқин автоуловлар мавжуд. Лекин мазкур транспорт воситалари техник кўридан ўз вақтида ўтаётгани ва корхонада иш тўғрисида қўйилган сабабли кам бузилади. Ўз иши сифатини оширишга эришган мазкур корхона жамоаси яқинда давлат тасарруфидан чиқиб мустақил фаолият юрита бошлади.

□ **ТОШКЕНТ** шаҳар Адлия бошқармасида янги Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими ташкил этилди.

□ **ҲАЖОН** иқтисодиёти ва

дипломатия университети қошидаги Академик лицейда касб-хунар коллежлари ҳамда лицейларнинг раҳбарлари иштирокида «Мен ўз йўлимни танлайман» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

□ **ЮНУСОБОД** туманидаги «Дўмбоқча» болалар боғчасида оналар ва болалар йили муносабати билан ташкил этилган «Бўлажак оналар клуби» очилишининг тақдирот маросими ўтказилди.

□ **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Мевазор» маҳалласида хашар йўли билан қуриб битказилган «Маҳалла маърифий уйи» ўз фаолиятини бошлади.

□ **ЖАР** спорт мажмуида 200 нафар ёш боксчилар иштирокидаги Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари ўтказилди ва унда Тошкент шаҳри боксчилари ғолибликни қўлга киритишди.

□ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** 22-спорт мактабида «Турон» миллий яқка кураш бўйича шаҳримизнинг шу спорт тури билан шуғулланадиган ёшлари ўртасида мусобақа ўтказилди.

## Янги уйлар муборак

Бугунги кунда шаҳримизнинг кўпгина жойларида бири-биридан кўркам турар жой бинолари қад ростламоқдаки уларни кўриб кўзингиз қувонади. Худди ана шундай, барча қулайликларга эга бўлган **9 қаватли ўй Ҳамза туманининг Фарғона йўли кўчасида қурилиб фойдаланишга топширилди.**

2-3 ва 4 хоналардан иборат бўлган мазкур уйда тўқсонга яқин бахтли оилалар яшай бошлайди. Хоналар кенг, иссиқ ва совуқ сув, газ, қисқаси оила

чилари 1- капитал қурилиш бошқармаси бюртамасига асосан режадаги 9 ой ўрнига 7 ой деганда бинони сифатли қилиб қуриб битказди. Улар шу кунларда ўша бинонинг ёнидан яна битта худди шундай кўп қаватли турар жойни қуришни бошлаб юборишган. Бу бинонинг улар Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги олдидан қуриб битказишни мўлжалламоқдалар. **Одил ҲАСАНОВ**

### ТАЪЛИМ

## Тайбейга — Осиё физика олимпиадасига

Ўтган йили Индонезияда ташкил этилган биринчи Осиё физика олимпиадасида ўзбекистонлик иккидорли ўқувчи ёшлар ҳам фаол қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритган эди. Бу сафарги халқаро билимлар синови эса Тайбейда бўлиб ўтади.

Хитой Халқ Республикаси Таълим вазирилик мамлакатимиз толиби илмларнинг физика фанига бўлган қизиқишларини инobatга олиб, уларни мазкур халқаро олимпиадада иштирок этишларини сўраб, таклифнома юборди. Республика терма жамо-

асини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети хузуринда Саъди Сирожиiddинов номидаги академик лицейда физика фанидан танлов олимпиадаси ўтказилди. Бунда ўн нафар толиби илм Хитойга бориш ҳуқуқини қўлга киритди. **Анвар ВАЛИЕВ**

### КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ МАВЗУИДА

## Тўлов сарфга мос бўлгани яхши

Республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилиши билан ҳам ишлаб чиқариш соҳаси, ҳам маиший соҳада энергия манбаларининг тақсимланиши ва улардан фойдаланишни қатъий ҳисоб ҳамда назоратга олиш зарурати туғилди. Ҳозирги пайтда иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун иссиқлик қувватининг тақсимоти ҳар бир хонадонга лойиҳада белгиланганидек тарзда амалга оширилмоқда. Бироқ иссиқлик қувватидан фойдаланиш ва сув сарфи амалда бир хил бўлмапти. Зеро, турли хил сабабларга кўра иситиш сифати турлича, тариф бўйича тўлов эса бир хил. Шу ўринда ҳақли савол туғилади — сув ва энергияни кам сарфлаган ҳолда нима учун тўлов ҳақини кўп тўлаш керак? Ҳозирги кунда ушбу масаланинг моҳиятига эътибор бериш даркор.

Авваламбор иссиқ сув таъминоти ҳисобга олиш анжомлари тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Техник ҳужжатларига мувофиқ уларнинг хизмат мuddати 10-12 йилни ташкил этади. Ҳисоблаш қисмлари хизмат мuddати ҳам шунга мос келади. Уларнинг 2-3 йил ичида ўзини-ўзи қоплашнинг ҳисобга олганда эса...

Хулосани ўзингиз чиқаринг. Бу албатта ҳар томонлама манфаатли. Бироқ, шуни ҳам унутмаслик керакки, турар жой хонадон-

ни 20 фоизга тежаш учун мувофиқлаштириш тизими нафақат ортиқча иссиқлик сарфини йўқотиши, балки тунги пайтда ёки унинг соҳиблари бўлмаган вақтда хонадон ҳароратининг пасайишини таъминлаши лозимдир. Кўришдан бу фойз ҳам ошishi мумкин.

Мана сизга бир нечта қулайлик ва манфаатлар: ўлчagич ҳамда мувофиқлаштирувчи клапанлар оммавий тарзда татбиқ этилганида шаҳарликлар сув ва иссиқликни ва шунга мос равишда ўз маблағларини ҳам тежайдилар, бинобарин, тўловларни ҳам кам тўлайдилар. Шу муносабат билан эса иссиқ сувнинг меъёрдан ташқари истеъмолига тўлағиларча барҳам бериш режалаштирилмоқда.

Хонадонларига газ ва иссиқ сув сарфи ўлчagичларини ўрнатган ҳамшахарларимиз унинг мақсадга мувофиқлигига тан берган ҳолда ушбу янгиликка муносиб тарзда баҳо бердилар. (Ўз мухбиримиз).

- Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди.
- Бухоро шаҳрида «Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни» мавзусидаги минтақавий конференция бўлиб ўтди.
- Халқаро Валюта фондининг доимий вакили жаноб Розенберннинг ваколатлари апрель ойида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Халқаро Валюта фонди баёнот билан чиқиб, ХВФ Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорлик қилишга ва ёрдам кўрсатишга тайёр эканини тасдиқлади.
- 6 апрель кун Темурийлар тарихи Давлат музейида Амир Темури таваллудининг 665 йиллигига бағишланган аъёнани «Мангу барҳайт сиймо» болалар ижодиёти кўргазмаси очилди.
- Бўстонлик туманининг юқори тоғ қишлоқларини газлаштириш бошланди. Кеча 20 километр узунликдаги Барраж-Чорвоқ юқори босимли газ магистрали фойдаланишга топширилди.
- «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси қошида «Соғлом авлод гунчалари» театр- студияси ташкил этилди.
- Поп туманида хусусий жаррохлик маркази очилди.
- Нукусда Қорақалпоғистон Республикасида болалар ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро конвенцияни амалга оширишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.
- Гиждувон тиббиёт билим юртида оналар ва болалар йилига бағишланган «Оналари эъзозли, фарзандлари ардоқли юрт» мавзусида кўрик-танлови ўтказилди.
- Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг Андижон вилояти Асака шаҳрида «Маънавият ва мафкуравий тарбия: вояга етмаганлар билан ишлашда маънавият ва маърифат ходимларининг вазифалари» мавзусида минтақавий илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.
- **Бўлди** Тошкентда Россия, Финляндия, Япония ва Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг уч кунлик халқаро семинари ўз иштини якунлади.
- Жиззахдаги Наврўзбулоқ трассасида республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллиги олдидан генерал Ё.Ербеков хотирасига бағишланган автопояга бўлиб ўтди.
- Футбол бўйича 17-Ҳажон кубогининг Тошкентда бўлиб ўтадиган саралаш мусобақалари шу йил 23-27 апрель кунлари «Пахтакор» ҳамда «МХСК» ўйингоҳларида бўлиб ўтади. Унда Осиё 7-гурухидаги Туркменистон, Иордания, Тайбей ва Ўзбекистон жамоалари иштирок этади.

## Жаҳонда

- **Кеча** Вашингтонда АҚШ ва Миср Президентлари Ж.Буш ва Х.Муборак ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Президентлар Яқин Шарқ муаммосини барқарорлаштириш ва икки томонлама ҳамкорлик масалалари юзасидан суҳбатлашмоқдалар.
- **Кеча** Флоридада АҚШ Давлат котиби К.Пауэлл раислигида арман-озарбайжон муаммоларини барқарорлаштириш бўйича бўлиб ўтаётган музокараларнинг биринчи кунги нияҳасига етди. Озарбайжон ва Арманистон Президентлари Х.Алиев ва Р.Кочарянлар ўртасида ўтаётган ушбу музокараларда ҳозирча Тоғли Қорабоғ масаласида аниқ бир битимга келинганча йўқ.
- **Кеча** Москвада НТВ телекомпанияси акционерларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда янги директорлар йиғини ва янги бош муҳаррир сайланди.
- Грузия парламенти Грузиянинг МДХ таркибидан чиқиб масаласини муҳокама қилишни бошлади.
- **Кеча** Тбилисида Британиянинг янги элчиси иш бошлади. У яқин кунларда Грузия Президенти билан учрашади.
- Венесуэла Президенти Уго Чавес 13-15 май кунлари расмий ташриф билан Россияда бўлади. У ташриф доирасида Президент Владимир Путин ва бошқа расмий кишилар билан учрашувлар ўтказилади. Музокараларда икки мамлакат алоқаларини ривожлантириш ва дунёвий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.
- Европа Иттифоқи кенгаши Бош котиби, тузилманинг ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича олий комиссари Хавьер Солана Югославиянинг собиқ Президенти Слободан Милошевичнинг хибсга олинганини маъқуллаб, мамлакатда демократия сари яна бир муҳим қадам ташланганини таъкидлади.
- Сальвадорда яна зилзила юз берди. Унинг кучи Рихтер ўлчови бўйича 5,4 баллдан юқори бўлган. Ҳозирча табиий офатдан қанча одам қурбон бўлгани маълум эмас.
- Руандада 1994 йилги қатағонда қурбон бўлганларга бир ҳафталик мотам эълон қилинди. Шу муносабат билан мамлакатнинг барча худудларида турли намойишлар ва қурбонларни хотирлаш маросимлари ўтказилади.

## Сафардаги муҳим ғалаба

Мамлакат X миллий чемпионатининг тўртинчи тури «Пахтакор» ишқибозларига олам-олам қувонч бахш этди.

**КЕЧА**

Наманганда тўртинчи турнинг марказий учрашуви ҳисобланган «Навбахор» — «Пахтакор» ўйини ҳақиқатан кутилганидек муросасиз кенди. Чунки ҳар икки жамоа ҳам майдонга фақат ғалаба учун тушишганини намойиш этишди. Фақат «Пахтакор» футболчиси Баҳодир Саидкамоловнинг мезбонлар дарвозасига йўллаган голи учрашув тақдирини ҳал қилди ва пахтакорчиларга

«Нихоятда муҳим уч очкони тақдим этди.

Пойтахтнинг шарафини ҳимоя қилаётган «Трактор» ва «Академия» жамоалари эса бу турда мағлубият аламини тотишга мажбур бўлишди. «Нефтчи» — «Академия» 5:0, «Андижон» — «Трактор» 2:1.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Селмур» — «Металлург» 1:1, «Сурхон» — «Кимёгар» 1:2, «Насаф» — «Дўстлик» 1:0, «Бухоро» — «Турон» 5:0, «Кизилкум» — «Зарафшон» 1:0.

Чемпионатнинг бешинчи тур учрашувлари 11 апрелда бўлиб ўтади. **Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

# Сифатли пойабзаллар

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Алфа ЛТД» ўзбек-француз қўшма корхонаси 1997 йилда ташкил этилган бўлиб, таъсисчилари «Тошкент пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси» хиссасдорлик жамияти ҳамда «Алфа» француз фирмасидир. Корхонанинг асосий мақсади харидор дидига мос сифатли пойабзаллар ишлаб чиқаришдир.

Ушбу корхона ўтган йиллар давомида ўз мақсадини тўлиқ амалга ошира олмади. Бунга сабаб ҳам ашё ҳамда қўшимча материалларни келтиришдаги қийинчиликлар бўлди. Айни кунларда эса корхонанинг янги раҳбарияти XXI асрнинг биринчи йилида юзага келган вазиятнинг яхши томонига ўзгартириш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва унинг маълум қисmini четга экспорт қилиш режаларини кўриб чиқдилар. Улар бугунги замон талабига жавоб берадиган янги моделлар яратиш йўлида изланмоқдалар.

— Ўтган йили пойабзалчиларимиз меҳнати эвазига 55 минг жуфт, яъни 280 миллион сўмлик оёқ кийимлари ишлаб чиқарилди, — дейди қўшма корхона директори Шухрат Иброҳимов. — Бу йил барча имкониятларимизни ишга солиб ишлаб чиқариш ҳажмини орттиришга, шу асосда 150 минг жуфт сифатли ишлаб чиқаришга эришамиз.

Кўшма корхона ҳозирда буюртмачилар билан 200 миллион сўмлик шартнома туздилар. Буюртмачилар орасида пойтахтимиздаги катта-катта савдо шохобчалари билан биргаликда вилоятлардаги савдо марказлари ҳам бор. Шунингдек, давлат буюртмалари ҳам ўз вақтида бажарилади. Бунинг учун корхонанинг раҳбарияти ҳам, малакали мутахассислари ва ишчи-хизматчилари ҳам изланишлари, янги-янги имкониятлар қидиришлари лозим.

Шоира ИСАЕВА

Шоира ИСАЕВА

## ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

Кўчада икки киши билан танишиб қолдик. Улар шахримизга қариндошларини кўргани келишига, у-бу харид қилиш учун «Олой» бозорига келишадиган экан. Гурунглашиб бирга бозорга кирдик...

Биласизми, меҳмонлар бундан икки йил аввал шу бозорда бўлишган, ўшанда бозор замонавий бўлгани билан қандайдир уларнинг кўзига галатироқ кўрилган экан. Ўшанда бундай пештахталар қолиб кўпчилик маҳсулотлар ерда савдо қилинар, хусусан гўшт ва сут, балки маҳсулотлари расталари санитария-гигиена талабларига тўла жавоб бермасди. Бу гал эса меҳмонлар бутунлай бошқа манзарани кўришди. Ҳаммаёқ озода, саранжом-сарийшта. Сархил мева-чевалар шундай дид билан териб кўйилганки, уларнинг олдидан ўтган киши бир зум маҳлиё бўлиб қолмай иложи йўқ. Илгариги қовун-тарвуз растаси ўрнида замонавий кийим бозори курилиб, ишга туширилди. Янгидан тикланган балиқ ва гўшт, сут ҳамда озиқ-овқат мажмуалари бозорга бутунлай бошқа кифоа кашф этилди. Бир сўз билан айтганда, бозор энг намунали бозорга айланди.

Олдидан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек, республикаимизнинг турли вилоятларидан келган меҳмонларни таъсирлантирган бозор олдидан хар кун ишга ўтиб, уйга қайтиб, баъзан эса шошиб-пишиб бу ерга келиб керакли маҳсулотларни харид қилар эканмиз-у, лекин бозордаги ўзгаришларга унчалик ҳам аҳамият беравермас эканмиз. Меҳмонларнинг гапи баҳона бўлиб, у ерда бўлишга, бу савдо бозордаги ўзгаришларга, ўзгаришлар, ободончилик ишлари билан яқиндан танишишга, унинг ҳудудини бафуржа айланишга жазм этдик.

«Олой бозори» хиссасдорлик жамияти бошқарувининг раиси Мирзохид Одилов тақдиримизни тинглай туриб мийғида кулиб қўйди. Бунинг сабабини сўраганимизда у шундай жавоб берди:

— Одатда биз мактовдан кўра кўпроқ танқидий сўзларни эшитамиз. Бозоримизга келган баъзи текширувчилар кўпроқ биздаги нуқсонларни кўришди. Тўғри, камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Лекин баъзан ўйланиб қоламан. Улар ҳозир бозоримизда бўлаётган йирик-йирик ўзгаришларни пайқашмасан? Тақлифимизни эшитиб хурсанд бўлдим...

«Текширувчи» яқинда ишга туширилган замонавий балиқ маҳсулотлари мажмуидан бошладик. Бозорнинг шарқий-шимолий қисмида жойлашган дарвозаси яқинидан ўрин олган ушбу мажмуа ҳар қандай киши диққатини ўзига тортувдек. У шарқона гўзаллиги, қулайлиги, харидор ва сотувчилар учун ҳам барча шароитлар яратилгани билан яққол кўзга ташланиб турибди.

Оппок, пишиқ пластмассалардан ишланган озода расталар маҳсулотлар билан тўла. Харидорлар чиройи

ли териб кўйилган маҳсулотлар олдидан бир зум тўхтаб, уларнинг нархларини сўраб-суриштиришди. Очиги, нархлар ҳам рисоладегидек, инсоф билан белгиланган. Шундай гўзал кошонанинг бунёдкорлари билан кизикдик. Уни «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат хиссасдорлик жамиятига қарашли курилиш ташкилоти бунёд этилди. Қурувчилар қисқа муддат — 10 ой ичида шунангидек бир савдо растасини тиклашибдики, бугун бу ерга кирган хар қандай киши уларнинг маҳорати-га, диду фаросатига тан бермай иложи йўқ. Тошкент шаҳар бозорлар уюшмаси таркибиде ҳозирча

бериш лозим. Токи улар ўзларига керакли маҳсулотларни қидириб овера бўлишмасин. Қираверишининг иккинчи томонида осмонга сув пуркаб турган фаворалар диққатимизни ўзига тортиди. Қарангки, улардан бири тирик балиқлар сақланадиган ҳавза, иккинчиси эса лозим бўлган тақдирда харидорларга балиқларни тозалаб, кесиб тайёрлаб берадиган жой экан. Бозорнинг ўнг томонида жойлашган яна бир янги мажмуа жаҳон андозаларига мос қилиб курилган икки қаватли гўшт ва сут маҳсулотлари растаси томон йўл олдидек. 200 ўринли бу савдо мажмуа-

сут ва қатик маҳсулотлари ҳам санитария-гигиена талабларига тўла жавоб беради. Бу ерда биз нечта харидорлар билан суҳбатда бўлдик. Уларнинг фикрлари билан кизикдик.

— Ҳозир кунда «Pantene Pro v Rich» савдо белгиси бетакорр ҳушбўйлик ва табиий мойлар асосидаги озиқлантирувчи бальзамни ўзига жо этган ҳолда соч парваришlash воситаларини ишлаб чиқариш соҳасида энг замонавий воситаларни сирасига қиради, — деди жумладан янги маҳсулот тўғрисида сўзлар экан «Проктер энд Гембл» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг раҳбари Фуат Ибрагимов. — Ва шу шампунь ҳар қандай сочни соғломлаштириш ва жилолантиришга имкон яратади. Янги «Pantene Pro v Rich» шампунни нафақат бальзамли озиқлантирувчи восита, балки унинг таркибидан шифобахш ўсимликлар экстрактларидан олинган фойдали табиий қисмлар ҳам ўрин олганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

## ТАКДИМОТ

### Истеъмол бозорида — янги маҳсулот

Шуни айтиш керакки, 1988 йилдан бошлаб хар йили мазкур етакчи компания ўз маҳсулотларини янгилаб туради. Ушбу янги шампун ҳам компаниянинг баҳор байрамига ҳамшаҳарларимиз учун совғаси бўлади.

Дамир НУРМАТОВ

# Изланиш бўлган жойда...



бунақа мажмуа ягона десак хато қилмаймиз.

150 ўринли растанинг иккинчи қанотидан ўрин олган кичик дўконлар тартибдорларга мўлжалланган бўлиб, улар бу ерда ўз маҳсулотларини бемалол сотишяпти. Бинонинг тўридан эса улгуржи чакана савдо дўконлари, иккита бар ўрин олган.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилдаги «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори юзасидан анча ишларни амалга оширдик, — деди бизга Мирзохид Одилов. — Аввало шуни айтишимиз керакки, бозор одамларнинг кундалик эҳтиёжларини қондирадиган, талаб ва тақлифларини ўрганадиган жой. Шундай экан, бозордан ҳеч ким норози бўлиб, кайфияти тушиб қайтмаслиги керак. Бунинг учун эса бозорларда харидорларга зарурий тартиб ва қулайликларни яратиб

си ҳам яқинда ишга туширилибди. Аввало бу ўринда яна биз қўли гул қурувчилар, шу лойиҳа тарҳини чизган меъморлар меҳнати ва санъатига қойил қолдик. Ҳамма нарса ўз ўрнида. Растага қадам қўйишигиз билан худди ўзингизни серфайз, саранжом-сарийшта, озода хонадонга кириб қолгандек ҳис этасиз. Бир нечта бўлимлардан ташкил топган мажмуада ҳамма нарса ўз ўрнида. Усти силлиқ мармарлар билан қопланган пештахталарга дид билан кесиб тарашиланган гўшлар териб қўйилган. Пештахтага туташ илгалларда турли вазндаги гўшлар остилик. Ўртада иккинчи қаватга олиб чикувчи зина. Чап томондаги бўлим сут ва қатик маҳсулотларига мўлжалланган. Бу ерда пиллоқдан тортиб сарибгача бўлган турли-туман маҳсулотлар. Уларнинг устки қисми озодалиқ қондаларига риюя қилинган ҳолда оппоқ юлқа доқалар билан ёпиб қўйилган. Пештахтадан ўрин олган

Мухлис ХИММАНОВА, Эркин Раҳимов сингари харидорлардан ҳам эшитдик.

Иккинчи қаватга кўтарилдик. Очиги, у ўзининг ҳозирги кўриниши билан бизни лол қолдирди. Бозорда шундай кўринишли қасрни албатта мўъжиза деб атамас янглишмаймиз. Бир томонда биллардхона, қаҳвахона, бир томонда бир пиёла чай устида суҳбат қуриш учун чойхона. 6-8 кишига мўлжалланган нақшинокор ёғоч қаравотларда қари-ялар, сотувчилар, харидорлар ўтиришибди. Улар орасида қайси соҳанинг кишилари йўқ дейсиз. Нариги бурчақда жойлашган кутубхона ҳам диққатимизни ўзига тортиди. Бу жойда фақат янги китоб турлари билангина эмас, балки газета ва журналларнинг кундалик сонлари билан ҳам танишасиз.

— Наврўз айёмида яна бир мажмуани ишга туширибди, — дейди Мирзохид Одилов. — Бу ўзига хос бўлган мўъжизагина кийим-кечак бозоридир. Янги мажмуанинг бунёд этилишига ҳам харидорларнинг талаб ва истақлари сабаб бўлди. Энди шу яқин атрофда турувчилар кийим-кечак қидириб «Отчопар», «Чорсу» бозорларига югуришмайди. Ўша бозорларда бор нарсалар ўзимизда ҳам мўжайё.

Бугунги кунда 92541 квадрат метр майдонни эгаллаган бу бозорда яқин бир йил ичида шунча курилиш ва янгиликларни амалга ошириш албатта ўз-ўзидан бўлмаган. Бу катта ўзгаришлар бозор маъмуриятдан тинимсиз меҳнат, изланиш, кунт ва сабот, ўз ишига фидойиликни талаб этгани аниқ. Биз бу ўринда фақат «Олой» бозориде руй берган учта янги мажмуа курилиши ва уларнинг ишга туширилиши билан боғлиқ юмушлар ҳақида сўз юритдик, ҳолос. Ваҳоланки, бозордаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, мавжуд расталарни қайта таъмирлаш, бир қатор ирригация тармоқларини ишга тушириш, солиқ таянч пункти, ветеринария лабораториясини жиҳозлаш каби хайри ишларнинг ҳар бири ҳам алоҳида бир мавзуга арзинуллик.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ  
СУРАТЛАРДА: бозор фаолиятдан лавҳалар.  
Тоҳир Нигматуллин  
олган суратлар.



# Замонавий шифохона

Пойтахтимизда замонавий саломатлик масканлари курилишига катта аҳамият қаратилмоқда. Шундай масканлардан бири Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши мўължалланган 1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонасидир.

Айни дамда ушбу курилиш майдонига борган киши қизгин бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлади. 150 беморга мўлжалланган 6 қаватли бинони тўла қайта таъмирдан чиқариш — бош пудратчи «159-трест» хиссасдорлик жамиятининг 8-қурилиш бошқармаси қурувчилари зиммасида. Уларга трестнинг 21-ҳамда 53-қурилиш бошқармалари, «Тоштакбиркурилиш»нинг 4-таъмир-қурилиш бошқармаси, «Циклон сервис», «Сантехник-Лан», «Камол-Саттор» «Дима» хусусий фирмаларининг ишчи-хизматчилари энг муҳим ишларда сиздиқидилан ёрдам беришмоқда.

Бинонинг ташқи кўриниши тўла ўз қиёфасини ўзгартирди, замонавий эшик ва дераза ромлари ўрнатилди. Ички қисмига келсак, хизмат кўрсатишга қараб ҳар бир хона алоҳида пардозланмоқда, шип ва поллар талаб даражасида ўрнатилмоқда, йўлакларга мрамар плиталар қўйилмоқда. Энг муҳими эса бу ерда меҳнат қилаётган соҳа ходимларининг маҳоратига боғлиқ. Улар биринчи навбатда сифатга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Қайта қурилатган бино «А» ва «Б» блоклардан иборат бўлиб, даволанувчилар учун ҳам, шифокорлар учун ҳам шарт-шароитлар яратиш, қулайликлар туздирини иноватта олинмоқда. Шунингдек бинога иситиш тармоқлари ҳам қайтадан ўрнатилди.

Айни долзарб паллада, — дейди қурилиш участкаси бошлиғи Қаҳқор Қодиров. — 170 нафардан зиёд энг моҳир қурувчиларимиз бу ерда пардоз юмушларини адо этишадир. Барчанинг диққат-эътибори, ғайрат-шижоати бу ишларни ўз вақтида бекам кўб бажаришга қаратилган. Ҳам-жихатлик, тезкорлик ишмизда муҳим роль ўйнаяпти.

Шу ўринда 2 сменада меҳнат қилаётган, қурилиш материалларидан оқилона фойдаланиб, хоналарга файз ва чирой бағишладиган бунёдкорларни алоҳида таъкидлагинг келди. 8-қурилиш бошқармасидан Турсун Қурбонов, Руслан Югай, 53-қурилиш бошқармасидан Холмурод Йўлдошев, Холмат Қўчқоров, Зоир Турсунов, «Камол-Саттор» хусусий фирмасидан Тоҳир Умаров, Тўлибек Исмолов, Муртазо Назиров, Татьяна Агафонова сингари бўёқчи, сувочки, дурадгор, мрамар ётқизувчи, кафель ўрнатувчиларнинг номини айтиб ўтиш лозим.

Шифохонамиз қайта қуриб бўлинган, албатта, тиббий жиҳозлар ҳам шунга яраша бўлишига имкон қидирамиз, — дейди бош шифокор, профессор Бахтиёр Қодиров. — Бу ерда беморларга энг зарур тиббий муолажалар кўрсатилади. Ушбу шифо маскани шаҳар юқумли касалликлар маркази сифатида фаолият кўрсатади, барча юқумли касалликлар бўйича даволаш йўлга қўйилди. Чақалдоқлар ва ҳомилалар аёллар учун ҳам махсус бўлимлар бўлади. Шунингдек, малакали шифокорлар беморлар саломатлиги йўлида беминнат хизмат кўрсатишади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТДА: шифохонанинг ташқи кўриниши.

## ТАДБИРКОРЛИК

# Муносиб туҳфа бўлади

«Инсон қўли гул» дейди халқимиз. Чиндан ҳам инсон кўли билан яратилаётган хилма-хил буюмлар неча йилларки бунинг яққол мисолидир. Ушбу нақлга амал қилган пойтахтимиздаги «Махсум ота» хусусий корхонаси тadbirkору хунармандлари яратётган ёғоч ҳамда мебель маҳсулотлари харидорлар томонида севиб харид қилинмоқда.

Ушбу корхонада маҳаллий хом ашё — Ўзбекистонда ўсадиган дарaxтлардан эшик, ром ҳамда ошхона мебеллари тайёрлаш йўлга қўйилди. Аввалига 7 кишидан иборат дурддорлар фаолият кўрсатган кичик корхонада маҳсулот турлари, сифати ортан сари харидорлар буюртмаси кўпая борди. Шу боис ҳам бугунги кунда ишчи-хизматчилар сони 21 нафарга етди.

— Аввалига ёғоч-тахта ишларини бажариб эшик-ромлар ясаган бўлсак, — дейди корхона раҳбари Валижон Далиев, — ҳозирда бозор талабларидан келиб чиқиб, харидор эҳтиёжини, дидини чуқур ўрганиб янги-янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. 20 хилга яқин маҳсулот тайёрлаётган бўлсак, барчасининг сифатига, чидамлилигига, кўринишига алоҳида аҳамият қаратамиз. Ўтган йилда 17 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Бу йил буюртмаларимиз анча кўп. Шунинг учун ҳам 34 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашни режалаб турибмиз.

Хусусий корхона тadbirkорлари изланишларни давом эттириб яқинда яна бир янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Бу бежирим ва замонавий ошхона мебелларидир. Ҳозирда бу маҳсулотлар шартнома асосида пойтахтимиздаги савдо шохобчаларига чиқарилмоқда. Бу уларнинг Мустақиллигимизнинг улғ 10 йиллик тўйига муносиб туҳфаси бўлади.

Дилдора ҒАНИЕВА

# Шаҳримизни гулга буркаётганлар

Пойтахтимизни яшнатив ва яшарттиришда, яшил либосларга буркаш ҳамда гул чечаклар билан безашда манзарали богдорчилик ва гулчилик давлат ҳўжалиги богдон ва гулчиларининг ҳам ҳиссалари бекиёсдир.

— Жамоамиз ахли шундай бир эзгу ишга улуш қўшаётганидан, яъни шаҳримизга гўзаллик, кўркамлик бахш этишда муносиб ҳиссалари борлигини дахр билан меҳнат қилишда, — дейди давлат ҳўжалиги раҳбари Абдулазиз Мухримов. — Бу йилимиз шунангидек кўтулғи, аср боши, оналар ва болалар йили, Мустақиллигимизнинг ўнинчи Наврўзига ўн йиллигининг кенг

нишонланиши. Бу улғ саналар ҳўжалигимиз ходимларини ҳам хар қанчондиган унумли меҳнат қилишга ундамоқда. Чунки хар ким ҳам байрамга ўз ҳиссасини қўйишни, тантанали кунларга ёруғ юз билан боришни ният қилади. Давлат ҳўжалиги ходимлари хар йили баҳорга, Наврўзи оламга ўзгача бир тайёргарлик билан келамиз. Жамоанинг 380 нафар богбону гулчиси

мавжуд 363 гектар майдонда меҳр-муҳаббат билан 20 хилдаги 50 минг тул манзарали ҳамда 15 турдаги 20 минг тул мевали дарaxт кўчатларини парвариш қилишди. Шунингдек, хар йилгидан икки баравар кўп, яъни 1 миллион тулдан зиёд турфа хил — 50 турдаги гул кўчатлари ўстирилди. Улар орасида уруғи Голландия давлатидан келтирилган гуллар ҳам мавжуд.

Пойтахтимизда кизгин давом этган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида хар бир туман, корхона, ташкилот, муассаса, ўқув юртлари, ма-

ҳаллалар ана шу давлат ҳўжалигига этиштирилган мева ва манзарали дарaxтлар ва гул кўчатларидан унумли фойдаланишиб, шаҳримизда бог-роғлар, гулзорлар яратишга катта эътибор билан қарашмоқда. Шунингдек, ушбу ҳўжаликда этиштирилган 3000 квадрат метр кўм-кўк ўт шодиланалар нишонланган Наврўз мажмуаси ва бошқа хиёбонларга ўтказилди.

Ҳўжаликда дарaxт ва гул кўчатлари сифати ва турларини яхшилашда бош агроном Абдувоҳит Каримов, Нурилла Ҳайитов, Маҳбуба Рихсиева сингари

уста богдон ва гулчиларнинг ҳиссалари каттадир.

— Ҳамшаҳарларимиз дидига ҳамда иқлим шароитимизга мос дарaxт ва гул кўчатларини ҳамма меҳр билан парваришлаймиз, — дейди Абдулазиз Мухримов. — Биз шаҳримизда давом эттирдиган кўкаламзорлаштириш юмушларида фаоллик кўрсатамиш ҳамда энг улғ ва энг азиз байраимимиз Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйига ҳамда пойтахтимиз чиройига ўз меҳнатимиз билан гўзаллик бахш этаверамиз.

Дилноза ҒИЁСОВА



Баҳорнинг илик нафаси нафақат наботот олами...

Бинафшамисан, бинафша!

Ариқ, жилга ёқаларидаги уффор таратиб турган бинафша...

Халқ табобатида бинафша қайнатмаси қовуқ сустигида...

Муаттар хидди бинафша бизнинг дилларимизда нафақат...

Маннон НАБИЕВ, доришунос олим.

«01»

Ўт балоси

Шу йилнинг ўтган 2 ойи мобайнида шахримизда 263 та ёнгин содир бўлди...

Миробод тумани, Қўшқўприк кўчаси, 28/9-уйда электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнгин содир бўлган...

Локомотив 1-линия кўчаси, 8-уйда очик оловдан нотўғри фойдаланиш оқибатида 35 квадрат метр жойда ёнгин содир бўлиб...

Аббос ИСМАТИЛЛАЕВ, Миробод тумани муҳофаза қилувчи 3-ХЕСБ назоратчиси.

«Олимпия умидлари» қанот ёзмақда

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини ҳаётга тадбиқ этиш, шунингдек, Республика Халқ таълими вазири...

— Номоз Орзиқулович, айтингчи, «Олимпияда умидлари» мусобақалари қандай мақсадларни кўзлаган ҳолда ва қимлар иштирокида ташкил этилмоқда?

— Албатта, мустақил мамлакатимизга соғлом ва бақувват авлодни етиштириб бериш, қолаверса халқаро майдонда спортчиларимиз муваффақиятларини янада ошириш бош вазифаларимиздан ҳисобланади...

тарбия ўқитувчилари учун туманлар миқёсида амалий семинарлар ўтказилди.

Спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, теннис каби етти тури бўйича ташкил этилган мусобақаларнинг 5-6, 7-8-9 ва 10-11 синфлар ўқувчилари ўртасида ўтказилган биринчи, туманлар миқёсидаги иккинчи босқич мусобақаларида 210 мингдан зиёд ўғил-қизлар қатнашиб ўз имкониятларини намойиш этишди.

Шуни айтиш керакки, беллашувлар аксарият мактаблар спорт заллари ва майдонларида ташкил қилиниши билан бир қаторда шахримиздаги мавжуд «Тўқимачи», «Динамо», «Асбобсоз», «Чилонзорчи», «Агрегат», «Красницкий» стадионлари имкониятларидан ҳам кенг фойдаланилди.

— Мусобақаларнинг бўлиб ўтган икки босқичи қандай натижаларни кўрсатди? — Шуниси қувонарлики, айниқса

туман миқёсидаги «Олимпияда умидлари» мусобақалари давомида мактабларда кўпгина ёш, иқтидорли, спортга мойил ўқувчилар кўзга ташланди. Кўрсатилган натижаларга кўра эса А. Икромов туманидан — 172, 228, 203, 107, 183, 193, 44, 129, Бектемирдан — 291, 290, 293, Мирободдан — 175, 294, 93, 94, 60, 31, 175, 110, Мирзо Азгулбеков туманидан — 222, 717, 225, 279, 210, 120, 209, 279, С. Раҳимовдан — 119, 278, 242, 111, 29, 165, 298, 249, Сергелидан — 268, 7, 300, 3, 8, 6, Ҳамзадан — 149, 307, 244, 231, 204, 69, 145, 166, Чилонзор туманидан — 200, 182, 181, 183, 101, 163, 178, Шайхонтоҳурдан — 41, 84, 180, 157, 102, 169, 19, Юнусободдан — 117, 260, 258, 259, 17, 257, 235, 5 ва Яққасарой туманидан — 172, 135, 319, 100, 176, 172, 160 ҳамда 91-мактаблар спорт жамоалари барча етти тура бўйича шахар финал босқичига йўналма олишди.

6 апрель кунини шахримиздаги МХСК стадионида «Олимпияда умидлари»

2001» мусобақаларининг ҳал қилувчи шахар босқичи беллашувлари бошланади. Ушбу мусобақалар шахримиздаги спорт мактаблари, МХСК, «Тўқимачи», «Красницкий» ва бошқа барча таъғили шарт-шароитларга эга бўлган стадионларда бўлиб ўтади.

Шаҳар финал мусобақалари 20 апрелга қадар давом этиб, ўғил болалар ва қиз болалар ўртасида спорт турлари бўйича голий мактаблар аниқланган, энг кучли мактаблар мусобақаларнинг якуний тўртинчи — Республика босқичига йўналма олишди.

Ўйлаймики, ўқувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигига эришиш каби мусобақаларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсадга эришамиз. Мусобақалар натижаларига кўра эса энг кучли, иқтидорли ўқувчилар танлаб олиниб, келгусида маҳоратларини янада ошириб, жаҳон миқёсига чиқариш мақсадида спорт мактаблари ва жамиятларига тасвир этилади.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ва туман спорт кўмитасининг ташаббуси билан Тошкент Ислоҳ университети спорт залида оналар ва болалар йилга бағишлаб оналар ва ўн беш ёшгача бўлган болалар иштирокида спортнинг олти тури бўйича оилавий мусобақалар бўлиб ўтди. Унда тумандаги маҳаллалар ва ташкилотлар ўртасида ўтказилган саралаш беллашувларининг голийлари бўлган энг кучли оилалар иштирок этди.



Энг кучли оилалар беллашди

Биз мусобақалар бошлангичидан олдин унда қатнашаётган айрим ўн бекаларини суҳбатга тордик.

— Ешлигимдан спортга меҳр қўйганман, — дейди «Богуча» маҳалласида истикомат қилувчи Сурайё Юнусова. — Қўл тўпи билан шуғулланиб туман гандбол жамоасининг сардори бўлганман, ҳозир шейпинг билан шуғулланаман. Бу каби мусобақаларда оиламиз аъзолари билан фаол қатнашиб келамиз — Аёллар йилга бағишлаб ўтказилган баҳсларда ҳам туман миқёсида учинчи ўринни эгаллаганмиз. Болаларим ҳам спортга ошно — катта қизим Мухлиса «Жар» спорт марказида теннис сирларини ўрганмоқда. Кичигим Муниса эса сузиш билан шуғулланмоқда. Ўйлайманки, оммавий

оилавий мусобақалар соғлом авлод тарбиясида муҳим ўрин тутди.

— Мен ҳам икки нафар қизим билан мусобақаларда қатнашяман, — суҳбатга қўшилди «Обиназир» маҳалласида истикомат қилувчи ўйбек Сурайё Юнусова. — Қўл тўпи билан шуғулланиб туман гандбол жамоасининг сардори бўлганман, ҳозир шейпинг билан шуғулланаман. Бу каби мусобақаларда оиламиз аъзолари билан фаол қатнашиб келамиз — Аёллар йилга бағишлаб ўтказилган баҳсларда ҳам туман миқёсида учинчи ўринни эгаллаганмиз. Болаларим ҳам спортга ошно — катта қизим Мухлиса «Жар» спорт марказида теннис сирларини ўрганмоқда. Кичигим Муниса эса сузиш билан шуғулланмоқда. Ўйлайманки, оммавий

Дарҳақиқат, икки кун давом этган мусобақалар жуда қизиқарли ва ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Оила шайини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида оналар ва болалар ўзла-



рининг бор куч-маҳоратларини ишга солишди. Хусусан, шашка бўйича Матибобоевалар оиласи голий чиққан бўлса, армрестлинг баҳсида Луқоваларга, дарст бўйича эса Холмирзаеваларга тенг келади-деганлар топилмади. Айниқса, арқон тортиш, астафета баҳслари иштирокида катта қизкиш йўғотди.

Бирок галвирни сувдан қатаридан лаҳзалар келиб ҳакамларнинг лухта ҳисоби-қитобларидан сўнг Тошкент Ислоҳ университети араб тили кафедрасининг мудири Розия Матибобоева оиласи ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди. «Тошмётрополитен» ташкилоти ходими Марина Луқовалар оиласи иккинчи, Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими ходими

Марҳамат Холмирзаевалар оиласи эса учинчи ўринларни эгаллади.

Барча голий ва совриндорлар, фаол иштирокчиларга мусобақа ташкилотчилари ва ҳомийлари — туман ҳокимлиги ва спорт кўмитаси, «Пахтакор» стадиони маъмурияти, «Ғунча» хусусий корхонаси, «Тумшуги»нинг бир бўлаги топилган. Балиқ қиличи ке-маннинг металл қопламасини, 6 дойим қалинлидаги тахта-тини тешиб бўли, кема ичига 11 дойим қирган.

Даврон ИСАЕВ СУРАТДА: оилавий мусобақаларнинг ҳаяжонли дақиқаларидан лаҳзалар: шашкупа тўрида — Матибобоевалар оиласи. Сергей Любич олган суратлар.

КАРАТЭ

Ҳамюртларимизнинг улкан муваффақияти

2004 йилги олимпияда ўйинларига қизгин тайёргарликни бошлаб юборган каратэчиларимиз яна бир улкан муваффақиятни қўлга киритишди — ёш, умидли яққаурашчиларимиздан ташкил топган республикамиз терма жамоаси АКШнинг Атланта шаҳрида бир ҳафта давомида болалар ва ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган «Атланта-2001» халқаро турниридан медаллар шодаси билан қайтишди.

Шуни айтиш керакки, ушбу нуфузли мусобақаларда курамининг бар-ка қўчаларидан ўн бир мамлакатнинг

300 та кучли каратэчилари галаба учун кураш олиб боришди. Бу каратэчиларимизнинг Америка Қўшма Штатлари-

га илк ташрифи бўлиб унда қатнашган тўққизта спортчимиз мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун бор куч-маҳоратларини сарфлашди ва жаҳоннинг энг кучли ёш спортчилари билан беллашувлар каратэчиларимиз учун катта маҳорат мактаби ҳамда халқаро даражадаги тажрибалари олишида муҳим омили бўлди.

Турнирда ката ва кумитэ йўналишлари бўйича иккитадан олтин нишонларни қўлга киритган Нодир Ҳўжаев ва Санжарбек Каримов, биттадан олтин ва кумуш медаллар соҳиб бўлган Аъзам Абдумавлонов, олтин ва бронза медаллари билан тақдирланган Ринат Кутгуев ва Фаррух Абдумавлоновлар жамоамиз муваффақиятига улкан ҳисса қўшишди. Болалар ва ўсмирлардан ташкил топган миллий терма жамоа-

миз каратэчилари «Атланта-2001» халқаро мусобақаларида ҳам сақиз-та олтин, тўртта кумуш ва учта бронза нишонларини қўлга киритган ҳамда жамоавий ката бўйича ҳам, жамоавий кумитэ бўйича ҳам биринчи ўринларга эга бўлишди.

Шуни қувонарлики, юртимиз вакиллари Атлантада халқаро каратэ ташкилотлари раҳбарлари билан учрашиб, дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш юзасидан келишиб олди-

лар. Ҳозирги кунда каратэ бўйича республикамиз терма жамоалари Грецияда болалар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати ва Малайзияда ўтказилган Осиё чемпионатида қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Дилмурод ИСМОИЛОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли тошкентликлар!

Ер ости газ қуварларидан ёки қудуқларидан, уйларида ертўлаларида газ хидини сезсангиз қуйидаги эҳтиёт чораларини кўринг: — газ хиди сезилган жойларда чекиш, олов ёқиш қатъиян ман этилади; — электр асбобларини ёқиш, ўчириш ҳам мумкин эмас; — газ йиқилган муҳитни шамоллатиш чораларини кўринг. Зудлик билан Ер ости газ қуварлари хизматига: 48-56-26, 48-55-29 га ёки Марказий АДХга «04», 53-56-19, 55-44-27, 55-44-29 телефонларига қўнғироқ қилинг. УНУТМАНГ! Ер ости газ қуварларидан сизиб чиққан газ катта фалокатларга олиб келади. Тупроқ орасидан сизиб чиқиб, ертўлалар, газ қудуқларда газ йиғилиши мумкин. Табиий газ эса портлаш хусусиятига эга. Газнинг сизиб чиқишини ўз вақтида аниқлаб, бартароф этиш — сизнинг хавфсизлигингиз гаровидир. Шуни маълум қиламизки, газ қудуқларида баъзида «Ботқоқ газ — метанга» газ йиғилиши қолади. Бу ҳам ёнғиндан хавфли газ ва одам организмига бугуви таъсир қилади. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида: — бегона кишиларнинг газ қудуқларига тушишлари; — болаларнинг газ қудуқлари атрофида ва газ қудуқлари ичига тушиб ўйнашлари; — газ қудуқлари ва унинг атрофида олов ёқишлари КАТЪИЯН МАН ЭТИЛАДИ «Тошгаз» бошқармаси.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2001 йил 15. 03. 719/01. ж сонли ажримига асосан С. Раҳимов туманидаги «RIYOTXAB» хусусий фирмасининг банкрот деб топилишига доир иш бўйича ҳаракат бошланган корхона кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2001 йил 6 апрель кунини С. Раҳимов тумани ДСИ биносиди, Тошкент шаҳар, Қорасарой кўчаси, 263-уй, 224-хонада бўлади. Тел: 48-67-47.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек тазияларни, таваллуд қилари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9,00 дан 17,30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР Кўчаси, 32-уй, 2-КАВАТ, 204-ХОНА.

Овқатланиш

«дарси» Калифорния океанариумида узунлиги 4,5 метр, оғирлиги 400 килограмм келадиган қилич балиқли олиб келинганида, бу ерда яшаётган бошқа мавжудотлар қаерга яширинишларини билмай қолдилар. Балиқлар озиклантирилаётганда қилич балиқ озукани ўзининг улкан жағлари билан шундай иш-тава ва қизғинчилик билан олиб олар ва уни бўлақларга бўлиб ташлар эдики, қолган жониворлар буни кўриб писиб қолардилар. Шундан сўнг гаввос Бурце Парксага қилич балиққа овқатланиш «маданияти»дан бир неча бор «дарс» беришига тўри келди. Дарс қилич балиққа ёқиб қолди» ва гаввоснинг озиклантиришига ўрганди. «Энага» балиқни озиклан-тирмайдиган бўлса, қилич балиқ очлик ёлмон қиладиган бўлди. Шундай қилиб Бурце Паркс балиқнинг ҳақиқий «отасига» айланди.

Жароҳатланган кема

Англия газеталарининг бири 1889 йили қилич балиқларни қандай катта қучага эга эканлиги ҳақида шундай мақола эълон қилган. Норвегия кемаларидан бири Монтевидеодан чиқиб Квебекка кетаётганда кеманинг остки қисми унга келиб урилган қандайдир қуддан жароҳат олди ва тешилиб, кемага сув кира бошлади. Текширишларда кемага урилган нарса нима эканлигини аниқлашнинг имкони бўлмади. Кема чўкиб кетмаслиги учун, унга сизиб кираётган сувни махсус мотопомпалар орқали сўриб олиб, кема ташқарисига чиқариб туришди. Кема Квебекка эсон-омон етиб келганидан сўнг, юкни тушириб, яхшилаб текшириб кўрилганда, кема тагида унга санчилик қолган қилич балиқ «тумшуги»нинг бир бўлаги топилган. Балиқ қиличи ке-маннинг металл қопламасини, 6 дойим қалинлидаги тахта-тини тешиб бўли, кема ичига 11 дойим қирган.

Чекиш истаги

Чекиш зарар. Лекин гап бу ҳақда эмас. Англиялик 43 ёшли Питер Боддингтон кўп чекади. У хар кун Лондондаги Виктория вокзалидан Брайтонга ишга боради ва ортга қайтади. Бир йилда йўлқираниш ўзига 2 минг 460 фунт сарфлайди. Бундай йўл ҳақи унча-мунчани «чакиш» қўяди. Лекин уни йўлқирадан ҳам ошиб тушадиган «чиқим» қийнайдди. Аксига олиб «Коннекс Саут Сентрал» компанияси поезд вагонларида чекишга қарши каттик ҳужум бошлаган.

Тарки одат амри маҳол дейдилар. Шўрлик Питер вагонда чекигани учун йилга 20 минг фунт жарима тўлайди. Бу ҳам етмагандай 14 кун қамоқда ўтириб чиқди, бир неча тун «тутиб» қолишди. Барбирер. Ашаддий қашан-да вагонда чекишликнинг ҳеч илоҳини қилолмаганини, Тамаки курғур ҳаммасидан устун. Бу масаланинг бир томони. Яна бир нозик томони, бундай «чеклашлар», «ман қилишларга қарши қашан-даям ўзича исён қилаяпти. «Барбирер чекиш» истаги уни маънан бироз тинчландирса-да, ҳамнини қуритаяпти.

Начора, ё тамаки, ё ҳамён-да. Ҳозирча қашандага тамаки аёло, чоғи.

Беморларни ҳимоя қиладиган марказ

Америкада энг кўп тарқалган, ўлимига сабаб бўладиган касалликлар деб юрак-қон томир, онкология, инсульт, ўпка шомоллаши ҳамда... шифокорларнинг хатоси сабаб бемор клиникалардаги дўхтирларга шифо истаб мурожаат қилади ва «у дунё сари йўл олади». Бунга сабаб табибят ҳодимларининг ўз ишига гоёт совуқонлик билан муносабатда бўлиш-ларидир. «Қурбон»ларнинг сонини йил сайин бегўхтов усиб кетаётганидан ташвишланган АКШ соғлиқни сақлаш вазирилик тезлик билан мижоз беморларнинг хавфсизлигини ҳимоя қиладиган марказ тузишни тасвир қилди. Марказнинг вазифаси илмига амал қилмаган врачларнинг бефарқлигидан беморларни ҳимоя қилишдир.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09. Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилиш мумкин. Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмоқаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.